



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI**  
**SURXONDARYO VILOYATI HOKIMINING**  
**Q A R O R I**

Termiz shahri, At-Termiziy ko‘chasi 1-uy. 190100, tel.: (+99876) 224-00-15, surxon@exat.uz, gov@sdv.uz

2021 -yil “ 5 ” may

Қ-399 -son

Termiz sh.

**Қумқўрғон тумани “Наврўз” массиви “Давлатсой” маҳалласи худудидан “STRAUS THE FAZENDA” МЧЖга озуқабоп экинлар экиш ва “Паррандачилик фермаси” қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 5,87-моддаларига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон Фармонида асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузурдаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2021 йил 26 апрелдаги 05-02/326-сон йиғилиш баёни, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузурдаги Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармасининг 2021 йил 01 апрелдаги 49-сон хулосаси, Қумқўрғон тумани ҳокимининг 2021 йил 27 февралдаги 64/01-36-сон хатини инобатга олиб,

**Қ А Р О Р   Қ И Л А М А Н :**

1. Қумқўрғон тумани “Наврўз” массиви “Давлатсой” маҳалласи худудидан “STRAUS THE FAZENDA” МЧЖга “Паррандачиликни ривожлантириш ва туяқушчиликни кўпайтириш” мақсадида туман ҳокимлиги захира ер фондидан қишлоқ хўжалик харитасининг 109к, 109ақ, 132мқ ва 132нқ-дала контурларидаги жами 7,0 гектар яйлов ер майдони, шундан 5,5 гектарига озуқабоп экинлар экиш учун (49 йил муддатга) ижара ҳуқуқи билан ва 1,5 гектар яйлов ер майдони “Паррандачилик фермаси” қуриш учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

2. “STRAUS THE FAZENDA” МЧЖ 1,5 гектар яйлов ер майдонида “Паррандачилик фермаси” қуриш учун қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш мақсадида 22 939 530 (йигирма икки миллион тўққиз юз ўттиз тўққиз минг беш юз ўттиз) сўм давлат тўлов қоплама қийматини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилиги Тошкент ХККМ Марказий банкининг ҳисоб рақами 23402000300100001010 СТИР:

201122919 код: 00014 бюджет ҳисоб рақами 4014108609224013450717186 га беш кун муддатда тўлаб берилишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармаси (М.Абдурахманов)га ажратиб берилган ер майдонидан самарали ва мақсадли фойдаланилишини доимий назорат қилиб бориш, ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасига ҳамда ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритиш юклатилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр палатаси Сурхондарё вилоят бошқармаси (С.Шаймарданов) ер участкаси чегараларини жойида (натурада) белгилашни амалга оширсин ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

5. Вилоят қурилиш бош бошқармаси (К.Эшматов) қонунчиликда белгиланган тартибда қурилиш ишларини лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқлигини мониторинг қилиб борсин.

6. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари У.Турапов зиммасига юклансин.

**Вилоят ҳокими**



**Т.Боболов**